

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Давлат тест маркази Илмий-методик
кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги
йиғилиши 4-сон баёни қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Давлат тест марказининг
2017 йил 6 январдаги
01-08-сонли буйруғи билан

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН “ТЕСТ СИНОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ СМС ОРҚАЛИ ТАҚДИМ ЭТИШ” ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

1. ХИЗМАТ ТАВСИФИ (ПАСПОРТ)

1.1. Хизмат номи

Тест синовлари натижалари тўғрисидаги маълумотларни СМС орқали тақдим этиш.

1.2. Хизмат натижаси

Тест синовлари натижасидан хабардор бўлиш. Жумладан, ҳар бир фан бўйича олган бали, талабаларга давлат гранти ёки тўлов шартнома асосида тавсия этилиши (тавсия этилмаслиги) каби ахборотларга эга бўлиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
Тошкент ш., Боғишамол кўч., 12
E-mail: info@dtm.uz
Веб-сайт: www.dtm.uz

1.4. Ҳуқуқий асослари

“Электрон ҳуқумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 8 июлда 2242-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар.

1.6. Сўровнома берилиш муддати

Тест синовлари натижалари эълон қилингандан сўнг икки ой муддат ичида. Уяли алоқа операторлари абонентлари томонидан 5100 қисқа рақамга сўров юборилганда хизматдан фойдаланиш мумкин.

1.7. Ижро муддати

Маълумотлардан фойдаланиш суткада 24 соат мобайнида уяли алоқа операторлари орқали таъминланади.

1.8. Хужжатларни тақдим этиш муддати

Хизматдан фойдаланиш учун ҳужжат тақдим қилиш талаб қилинмайди.

2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ

2.1. Кенг доирада маълумот берилиши

ДТМ томонидан тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли тадбирлар ўтказилади.

2.2. Сўровнома бўйича маълумот берилиши

Мурожаат усуллари:

ДТМ нинг расмий веб-сайти;

веб-сайтга суткада 24 соат давомида кириш мумкин.

2.3. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Уяли алоқа операторлари веб-сайтлари ҳамда ДТМ веб-сайти.

ДТМ қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 12-уй, телефон: (0 371) 200-19-14. Мўлжал: метро “Бодомзор” бекати.

2.4. Фойдаланиладиган бланк (шакл)лар

Бланклар тўлдириш кўзда тутилмаган.

3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

3.1. Иш вақти

Маълумотлардан фойдаланиш суткада 24 соат мобайнида уяли алоқа операторлари орқали таъминланади.

3.2. Кутиш шарти

Уяли алоқа операторлари орқали кутиш шартлари кўзда тутилмаган.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБ – ТАОМИЛИ

4.1. Талаб қилинадиган ҳужжатлар

Хизматдан фойдаланиш учун ҳужжат талаб қилинмайди.

4.2. Хизмат кўрсатиш қиймати

Ҳар бир юборилган СМС сўров нархи 0,75 \$. Ушбу нарх Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан белгиланган расмий курси бўйича ҳисобланади.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

Хизмат кўрсатиш фақат бир босқичли бўлиб, уяли алоқа операторлари абонентлари шахсий ҳисоб балансида етарли даражада пул маблағлари бўлагандагина кўрсатилади.

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички – идоравий босқичлари

Уяли алоқа операторлари орқали хизматдан фойдаланиш тўлиқ автоматлаштирилган ҳамда ички идоравий тартиблар кўзда тутилмаган.

4.5. Рад этиш асослари

Хизмат кўрсатишни рад этиш кўзда тутилмаган.

5. СИФАТ ТАЪМИНОТИ

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Абитуриент таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан эълон қилинадиган тест синовлари натижаларини СМС хизмати орқали билиб олиш имкониятига эга.

5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизмат учун шикоят

СМС хизматидан фойдаланиш бўйича муаммолар юзасидан (0 – 371) – 235-56-45, (0 371)235-57-13 телефон рақамлари орқали ДТМ нинг “Тест синовларини ташкил этиш” ҳамда “Ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш” бўлимларига мурожаат қилиниши мумкин.